



ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЕСИЙ
ГАЗЕТАСИ

ТО'ЛОҚШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 54 (9.246) 1999 йил 12 май, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ

Барча манбалардан олинган сўнги ахборотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Узбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 11 май кўни вақолат муддати тугагани муносабати билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва Биртўр элчиси Барбара Логан Хейни қабул қилди.

◆ Тошкентда «Осиё — Европа транспорт алоқасини ривожлантириш муаммолари»га бағишланган халқаро конференция иш бошлади.

◆ Узбекистонда Франциянинг миллий мудофаа масалалари бўйича олий тадқиқотлар институтининг 51-кўчма сессияси бошланди. Институт директори Реймон Жерманос бошчилигидаги делегация аъзолари Узбекистон Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясига ташриф буюрди.

◆ Узбекистонлик теннисчи Ирода Тўлаганова учта йирик мусобақа — Япония очик чемпионати, Сеулдаги хотин-қизлар чөлленжер турнири ва Хиросимадаги Осиё чемпионатида галабаларга эришиб, зафар билан қайтди.

◆ Матбуотда «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ҳамда «Узбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Узбекистон Республикасининг қонунлари эълон қилинган.

◆ Тошкент вилоятининг Қирғай туманида Американинг «Пай-холдинг» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган янги қўшма корхона маҳсулот бера бошлади.

◆ «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси маҳсулотлари — «Нексия», «Дамас», «Тико» автомашиналарини аҳолига етказиб бериш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича Самарқандга яна бир кўлайлик яратилди. Бу ерда муҳташам савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуи фойдаланишга топширилди.

◆ «Қўқунтўқмаш» акциядорлик жамиятида нефть ва газ қудуқларини бурғулашда қўл келадиган мураккаб занжирлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

ЖАҲОНДА

◆ Женевада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа қароргоҳида Марказий Осиёда ядро қуролдан холи ҳудуд барпо этиш масаласи бўйича минтақавий экспертлар гуруҳининг учинчи маслаҳатлашуви бўлиб ўтди.

◆ Кеча АҚШда юрак операцияси туфайли довланаётган Озарбайжон Президенти Г. Алиев 76 йиллиги нишонланадиган кечаги кунда ўзини яхши ҳис қилаётганлигини айтиб, тез кунларда Ватанига қайтажаклигини билдирди.

◆ Польшада Россия Федерацияси маданият қонунлари очилди.

◆ 13 майдан 15 майгача бўлган мўддат давомида Россия Федерацияси Давлат Думаси Россия Президентини Борис Ельцинни эгаллаб турган лавозимидан четлаштириш ҳақидаги масалани кўриб чиқади.

◆ Кеча Россия Федерацияси Президентининг махсус вакили — Виктор Черномирдин Пекинда Хитой раҳбарлари билан қатор учрашувлар ўтказди. Хитой давлати раҳбари Чянь Цзямин билан бўлган суҳбат эса икки давлат ўртасидаги Болқон муаммоларига бағишланган.

◆ Югославия Социалистик Республикаси Олий қўмондонлиги «Косово Озодлик армияси»га қарши ҳарбий ҳаракат тўхтатилганлигини эълон қилди. Шунга қўра 9 май кўни соат 22 дан бошлаб Югославия ҳарбий бўлинмалари ва полицияси қисмларга бўлинган ҳолда Косоводан олиб чиқилмоқда.

◆ Саратов Галаба боғида жанговар техника музейи очилди.

◆ АҚШнинг Янги Орлеандаги 7 метрлик тепалиқдан паства кулган машина салонига бораётган 46 йўловчидан 23 таси воқеа содир бўлган жойда вафот этган. Қолган йўловчилар эса оғир тан жароҳати олинди. Фожиа сабаби аниқланмоқда.

◆ Ўтган ҳафта Хиндистон халқи учун оғир келди. Бир неча кун иссиқлик ҳарорати нисбатда юқори бўлди. Маълумотларга қараганда ҳазирмадан 200 га яқин киши нобуд бўлди.

◆ Чеченистон Республикаси Ичкиерянинг асосий қонунини яратиш билан машғул бўлган комиссия ўз ишини туталлади.

◆ Ал-Қувват амираи шаҳ Жобир ал-Ахмад ал-Жобир ас-Сабоҳ мамлакат миллий йиғини — парламентни тарқатиб юбориш тўғрисида фармон чикарди.

Тошкентда тайёрланган РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

Жанубий Кореянинг «Самсунг» компанияси жаҳонда донг таратган бўлиб, унинг маҳсулотлари юксак сифати ва рақобатбардорлиги билан ажралаб туради. Шу боис ҳам компаниянинг дунёнинг 17 мамлакатида 24 та корхонаси мунваффақият билан ишлаб турибди.

Ўтган йилнинг июль ойида ташкил этилган «Уз-Самсунг Электроникс» қўшма корхонаси бунинг аққол исботидир. Юртимизда чет эл сармоядорларига яратилаётган кўлай шaroитлар ҳамда ўзбекистонлик мутахассисларнинг юксак малакалари ҳамкорларга маъқул келгани боис ҳам пойтахтимиздаги очик турдаги «Алгоритм» хиссадорлик жамияти ҳудудида ушбу қўшма корхона иш бошлади. Эндиликда 14, 20 ва 21 дюйм диагоналли рангли телевизорлар, кондиционер, чанготич ҳамда касса аппаратлари сингари электр жиҳозлари пойтахтимиз Тошкентда ишлаб чиқарилмоқда.

25 минг квадрат метр майдонни эгаллаган, устав фонди 8 миллион АҚШ долларини ташкил этган ушбу қўшма корхонада ҳозирда 1,5

Дилфуза ҒУЛОМОВА.

ХОТИРА — МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Пойтахтимиз марказида Хотира ва Қадрлаш майдонининг очилиши, республикамизнинг барча вилоятларда ушбу қутлуғ кун умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши ватандошларимиз қалбини бени-

ҚАДРЛАГАН ҚАДР ТОПАДИ

Инсон ёши бир жойга бориб қолганда атрофга, ҳаётга синчковлик билан қарайдиган бўлиб қолар экан. Етиш ёшли бир қария сифатида буни чуқур ҳис этаётман. Мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар, янгиликларни кизикиб, ҳаёжон билан кузатиб бораман. Юртбошимизнинг ҳисобсиз яхши амаллари, савобли ишлари ни кўриб, шу юртининг бир фуқароси сифатида қалбим гурӯрга тўлаяпти. Дўппини қўлга олиб, бир уйлаб қўрайлик, мустақил бўлганимиздан сўнг амалга оширилган ишларни бир кўз ўнгимизга келтирайлик. Энг аввало марказ зиндонларида ётган қанчалаб ҳокиморларини озодликка чикарилди, тиҷликни сақлаш, миллий қадриятларимизни тиклаш, иқтисодийтимизни бойитиш, чегарамизни мустаҳкамлаш, жаҳон андозаларига мос янги корхоналар барпо этиш... санасак адоғига етиш қийин.

Улуғ ишларни қилиш улуг одамларга хос фазилат. Президентимиз ташаббуслари билан 9 майни Хотира ва Қадрлаш кўни деб эълон қилиниши озми-кўнми оғир-енгил кунларни бошидан кечирган киши сифатида шахсан мени ҳам қаттиқ тўлқинлантириб юборди. Бу жўда савобли ва адолатли иш бўлди. Она-Ватанимиз озодлиги, тараққийти йўлида жон фидо этган ота-боболаримиз руҳларини шод этди. Тахририятимизга шу муносабат билан қўллаб ҳашаҳарларимиз қалб сўзлари битилган мактубларни йўлламоқдалар, қўнғироқлар бўлиб турибди...



Пойтахтимизнинг «Себзор» маҳалласида Хотира ва Қадрлаш кўнига бағишланган байрам тадбирида фахрийларимиз улуғланди ва юртимиз мустақиллиги учун хизмат қилиш шу кунларга етолмаганлар эсланди. Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги байрам иштирокчиларига ўз совғаларини топширди.

Даврон Аҳмедов олган сурат.

САХОВАТЛИ ХАЛҚМИЗ

◆ Кумри МАҲМУДОВА, «Юлдуз» хиссадорлик жамияти касба уюшмаси раиси:

— Кўнгли очик, саховатли халқмиз. Шу боисдан халқимиз орасида яхшилар ёди, кекса ота-оналаримизни, маҳалладошларимизни, жамоадорларимизнинг хурматини жойига қўйиш, ҳамиша эъзозда тутиш энг яхши одалатларимиздан саналади. Юртимизда эса хотиралари ўчмас инсонлар, шунингдек меҳрга, эътибор ва эъзозга лойиқ қадрли одамларимиз жўда кўп. Она шунинг учун ҳам 9 Майнинг Хотира ва Қадрлаш кўни деб эълон қилиниши, мамлакатимизда унинг умумхалқ байрами сифатида нишонланиши барчамиз учун фахрлидир. Чўки ушбу қутлуғ кунда иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетган азиз юрдошларимиз, Ўзбекистонимизнинг равнақи йўлида қурбон бўлган ватандошларимизни бир-бир ёд айлаб, уларга таъзим этамиз.

Шу муносабат билан бунёд этилган Хотира майдони, у ерга ўрнатилган Мотамсаро она ёдгорлиги энг муқаддас қадамжолардан бирига айланган, шубҳасиз. Нафақат Байрам кўнида, балки қалбида меҳр, эъзоз бор ҳашаҳарларимиз ҳар доим бу қутлуғ майдон зиёратига бўлиб, ўз қон-қариндошлари хотираси олдида бош ағдирлар.

Президентимизнинг дилларни тўлқинлантирадиган Фармони бизнинг хиссадорлик жамиятимиз аъзолари зиммасига ҳам масъулият юкледи. Аҳил жамоамизда аввалдан уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийларининг хурмат-эҳтироми жойига қўйилади. Байрам кунларидида улар ёрдамга муҳтож бўлиб қолганларида тез-тез холидан хабар олиб, ўзларига, оилаларига, соғлиқларини тиклашларига кўмак бериб борамиз. Ўтказилган Наврўз ва бошқа байрамларимизда ҳам кексаларимизни унутганимиз йўқ. Шу билан бирга бугун меҳнат қилаётган ёш ишчи-хизматчиларимизга тажрибали, моҳир устозларни қадрлаш лозимлигини ҳамиша тарғиб этамиз.

Раҳбарият ва касба уюшмаси қўмитаси ҳамкорликда бу йилги Хотира ва Қадрлаш кўнини ўтказиш режасини белгилаб, корхонамизга меҳнати сингган 60 нафар уруш қатнашчиси ҳамда 400 нафар меҳнат фахрийси учун алоҳида тадбир уюштирдик. Албатта, байрам кўни уларнинг дилларига завқ улашиб, биз учун қадрли эканликларини яна бир бор намойиш этдик.

Шоира ИЛҲОМОВА Ёзиб олди.

бахраманд бўлсинлар. Уларга Оллоҳдан тани-сихатлик, узоқ умр тилайман.

Бу ўринда биз — ҳар бир фуқаро ҳам кўп бурчимиз. Бу кунларнинг қадрига етмок, сабр-тоқатли бўлмок, бир ёқдан бош чикармок, Ватанимиз учун фидойи бўлмок, Юртбошимизни авайламок биз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Танлаган йўлимиз ҳам йўл. Ниятларимиз пок. Халқимиз андишали, меҳр-оқибатли, меҳнатқаш. Қўлимиз ҳалол меҳнатда, қалбимиз дуо ва ибодатда бўлиб борсак, Иншооллох, Ўзбекистонимиз яқин йилларда дунёнинг энг ўзгал, доврўгли мамлакатларидан бирига айланади.

Фатхулла ҳожи НИҒМАТОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Ҳаёт ҳақиқати шундайки, инсон ёши бир жойга бориб, угайиб қолганда ширин сўзга, ҳуш муомалага интиқ бўлиб қолади. Даврага фойз киритиб, бир пиёла чай устида гурун қилиб, суҳбат қуриб ўтирган уруш ва меҳнат фахрийларининг шодонлиги, ҳушнўдлиги киши шундаки, улар ҳурматда, эътиборда, эъзозда эдилар.

— Президентимизнинг Галаба кўнини Хотира ва Қадрлаш кўни деб эълон қилганлари айна мўддадаги иш бўлди, — дейди Собир Раҳимов туманидаги Аскар Убайдуллоев номли маҳалла оқсоқоли Раҳматжон ака Собилов.

У уруш фахрийларининг ҳар бирига таъриф бериб, уларнинг қаҳрамонликларини, эл-юрт олдидаги хизматларини айтиб, сиз азизларни ҳар қанча хурмат қилсак, тақдирласак арзийди дейди. Сўнг уларнинг ҳар бирига: Шерака Дўстмухамедов, Матёқуб Қўшжонов, Носир Қодиров, Абдурахим Қаюмов, Абдулла Зокиров, Ёқуб Зокировларга маҳалла аҳли, жамоатчилиги номидан тўнлар кийгизилди. Бахтимизга кўп яшаб юринглар, — деб тилак билдирди.

Уруш қатнашчилари номидан сўзга чиққан филология фанлари доктори, маҳалла фаоли Матёқуб Қўшжонов сўронли йиллар хотираларини ҳикоя қилиб берди ва айна пайтда урушга кетиб қайтиб келмаган, маҳалланинг ташкил этилиши, шаклланиши, оёққа туришида баҳолли қўдрат хизмат кўрсатиб, эл-юртнинг хурматига сазовор бўлган маҳдумларнинг номини ҳам бирма-бир ёд этиб, уларнинг руҳлари шод этилди.

Хотира ва Қадрлаш йиғинида, шунингдек, таникли санъаткорлар концерт қўйиб бердилар. Дастурхонга ош тортилди. Давра қатнашчиларининг суҳбати, гурунги авжга қикди. Қадр-қиммат, эъзоз ва хурмат, эътибор учун ҳукуматимизга, жамоатчиликка, маҳалла маъмуриятига миннатдорчилик сўзлари айтилди.

Носир РИХСИЕВ.

Муносабат МУЛҚДОР — ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

Иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштириш мақсади — биринчи навбатда давлатнинг бошқариш ролини чегаралаш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш демокдир.
Ислом КАРИМОВ.

Жамият тараққийотининг асоси иқтисод эканлигини исботлаб ўтиришининг ҳожати бўлмас керак. Худди шунингдек, иқтисодий мустақилликка эришмай туриб, сиёсий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шу боис мамлакатимизда Истиклолнинг дастлабки кунлариданоқ бу соҳа стратегик вазифа бўлиб қолди. Биринчи навбатда чуқур иқтисодий ислохотларни амалга оширишининг аниқ йўналишлари белгилаб олинди.

Чўнончи, мулкни давлат тасарруфидан чикариш ва янги мулк эгаларини шакллантиришга киришилди. Биринчи навбатда, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари, қайта ишлаш санаети корхоналари, автомобиль транспорти корхоналари, турар жойлар ва ҳоказолар фуқаролар, уларнинг турли бирлашмалари ихтиёрига ўтказилди. Акциядорлик ва пайчилик жамиятлари, жамоа мулки, ижара мулки, хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес эгалари ҳаракати кенг ёйилди. Кишлоқларда эса деҳқон ҳўжаликлари, фермер ҳўжаликлари, ширкатлар уюшмалари, акциядорлик, пайчилик, ижара мулкларини юзага келди ва ривож топмоқда.

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозир давом этаётган иккинчи босқичида йирик корхоналарни, мамлакат истиклоли учун муҳим аҳамиятга эга бўлган объектларни хусусийлаштириш кўзда тутилган. Бунинг учун ҳуқуқий асослар ҳам, ташкилий ва таркибий шарт-шароитлар ҳам яратилган. Жўмладан, фақат 1999 йилнинг ўзида 565 та йирик объектни давлат тасарруфидан чикариш режалаштирилган. Бунинг эъзозига йил давомида 26,4 миллиард сўм маблағ олиниши керак. Бу соҳадаги муҳим ўзгаришлардан бири — хусусийлаштиришнинг умумий дастурида чет эл инвесторларининг ҳам иштирок этишидир.

Айна пайтда эркин тадбиркорлик учун ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратишга, айнакча кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун барча йўллари очиб беришга алоҳида эътибор бериляпти. Юртбошимиз Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузаларида бу масалалар алоҳида тўхталганлари бежиз эмас. Масала шу тарзда қўйилмоқдаки, икки-уч йил ичида кичик ва хусусий корхоналар сони 2 баравар кўпайиб, ялли миллий маҳсулотда уларнинг улуши қамида 25 фоизга етиши керак. Бунинг учун тадбиркорлик тузилмаларининг молия, банк ва бошқа бозор тузилмалари билан муносабатларини мустаҳкамлаш даркор.

Энг муҳими, тадбиркорлик билан чинакамаки шуғулланмоқчи бўлган ҳар бир шахс учун банклардан кредит олиш чоғида учрайдиган барча тўсиқлар барҳам топтирилиши даркор. Уларнинг ҳом аса захираларидан фойдаланишларига кенг йўл очиб берилади. Юртбошимиз шулар ҳақида тўхталар эканлар, кичик бизнес учун бошқарувчи кадрлар тайёрлайдиган, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини оширадиган бизнес-мактаблар тармоғини вужудга келтириш заруратини ҳам таъкидладилар. Маълумки, пойтахтда шу йўналишдаги бизнес марказлари, мактаблари ва бошқа шаклдаги тадбиркорлик маҳоратини ўргатишга қаратилган турли тузилмалар мавжуд. Уларнинг илмий-услубий йўналишини кучайтириш, техник воситалар билан таъминланишини яхшилаш навбатдаги муҳим вазифалардандир. Айна пайтда улар тармоғини кенгайтириш, шаҳарнинг ҳар бир туманида барча тадбиркорлар маҳалла ва маҳоратини, тажрибасини оширишни таъминловчи шундай тузилмаларнинг таъсирчан фаолиятини йўлга қўйиш керак.

Маърузада кўтарилган муҳим масалалардан бири табиий монополиялар тўғрисида қонун қабул қилиш заруратининг таъкидланишидир. Негаки, рақобатсиз ишлаб чикаришни, умуман, иқтисодиётни ривожлантириш мумкин эмас. Халқ ҳўжалигида, ҳатто савдо ва маиший хизмат соҳаларида монополияларга дуч келинаётгани оқибат натижада истеъмолчилар манфаатларига зиён етказмоқда. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонун амалиётда суст жорий этиляпти. Шу маънода истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилувчи жамоат ташкилотларининг шаклланиши мазкур қонуннинг таъсирчан ишашини таъминлашга ёрдам берган бўларди.

Юртбошимиз иқтисодиётни эркинлаштириш аввало давлат ва турли текширувчи органлар томонидан корхоналар ишига ноурун аралашувларга чек қўйиш билан боғлиқ эканлигини таъкидлаб, бу борда қабул қилинган қарорларни бажармай, шундай аралашуш фикридан қайтмаган кишиларнинг қаттиқ жазоланишини қайд этдилар.

Хуллас, мулкдорлар синфини шакллантириш, уларнинг ўз фаолиятларининг натижалари учун молиявий ва иқтисодий масъулиятларини ошириш давримизнинг энг долзарб вазифаларидан бири сифатида эътироф этилди. Бу эса ҳар бир ишдаги муваффақиятларимиз, фаровон ҳаётни таъминлашдаги иштирокимиз натижалари ўз қўлимизда эканлигининг яна бир ёрқин далилидир.



«Аели Соф» эл-бадавлати.

Суратли ахборот ҲАСАНБЎЙДА ТАБОБАТ МАРКАЗИ

«Юнусобод туманидаги Ҳасанбой маҳалласида янги табобат маркази қурилиб фойдаланишга топширилди.

Маълумки, авваллари пойтахт вилоятининг Тошкент туманига қарашли бўлган Ҳасанбой кишлоғи Юнусобод тумани ҳудудида қўйилганга беш йил бўлди. Бу давр ичида маҳалла имкон даражасида ичимлик суви ва газ билан таъминланди. Шу билан бирга аҳли тиббий хизматга ҳам муҳтожлик сезарди.

— Табобат марказини маҳалламиз аҳолиси ҳашар йўли билан битказди, — дейди маҳалла оқсоқоли Шавкат Ирismetов. — Бунда бизни маблағ билан таъмин-



Мажид РАИМОВ.

XXI аср бўсағасида мустақил Ўзбекистон кўлга киритган муҳим ютуқлардан бири, шубҳасиз, жамиятда сиёсий эркинликни қарор топтириш йўлидаги ҳаракатлардир. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ кенг аҳоли қатламларининг сиёсий фаоллигини изчил охира бориш давлатимизнинг, энг аввало, шахсан республикамиз Президентининг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Бундай ғамхўрлик даставвал партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг жамиятимиз ҳаётида тобора сезиларли ўрин тутаётганларида кўзга ташланади. Жумладан, ҳозир мамлакатимизда 2300 жамоат бирлашмалари фаолият юритмоқда. Уларнинг сони фақат кейинги беш йил ичида 1500 тага кўпайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида «Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши жамоат ташкилотлари ишининг таъсирчанлигини ошириш, уларнинг «Демократик кадрларни, кишиларнинг қонуний ҳақ-хуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш»даги ролларини оширишга хизмат қилади.

Жамиятнинг сиёсий эркинлигини кўрсатуви асосий омиллардан бири, албатта, партиялар ва уларнинг мамлакат сиёсий майдонида туганмакдир. Шунини айтиш керакки, Шўролар даврида қарийб 75 йил мобайнида халқимиз яқна партия кўмирининг шароитида яшайди.

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий, иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларига яқна ҳуқуқдор маҳаллар яқна ҳуқуқдор коммунистик партия иродаси билан ҳақ эдилар, қолган ҳамма уни «қидиллик билан қувватлаб» келарди.

Тоталитар тўзум барҳам топши билан, яъни Истиқлол кўлга киритилиши билан унинг дахшати ғоявий қуроли — коммунистик мафқуранинг ҳам умри туғди. Эндиликда (атиғи 7 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида) мамлакат аҳолиси турли табақаларнинг манфаатлари, ижтимоий-сиёсий қарашларини ифодаловчи бир неча сиёсий партиялар пайдо бўлди. Йирик Халқ демократик партияси билан бир қаторда «Ватан тараққиёти», «Адолат», «Миллий тикланиш» партиялари фаол сиёсат юри-

тиб келмоқдалар. Шу йил арафасида эса, улар сафига «Фидокор» миллий-демократик партияси ҳам қўшилди.

Оқориди партиялар фаолияти, очигини айтганда, ҳозирги вақтда кўпроқ қонуний ижодкорлиги соҳасида кўзга ташланади. Чунинки, улар Олий Мажлисининг XIV сессияси қабул қилган қонунарни тайёрлашда, унинг яқиний муҳомадаларида, ниҳоят яқиний сессиянинг ўзида кизгин иштирок этганларнинг гувоҳи бўлди. Сиёсий партиялар мамлакатда тўб ислохотларни амалга ошириш жараёнида иштирок этиш, халқимиз маънавият ва маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш соҳаларига кўпроқ эътибор бераётганлари ҳам маълум. Қонунийликни мустахкамлаш, ким бўлишдан қатъий назар — ҳамминанг

конун олдида баробарлигини таъминлаш, яъни ҳамма соҳада қонулар устуворлигига эришиш борасидаги партияларнинг сазай-ҳаракатлари диққатга сазовор.

Лекин, айни пайтда, сиёсий партиялар фаолиятида ҳали жиддий камчиликлар мавжудлиги, улар ҳамма сиёсий ҳаётида ўз мавқелини эгаллаш олмаганликларини ҳам айтиш лозим. «Сиёсий

тарафдорлари ҳам нима учун ва нимага қарши қурашаётганларини аниқлаш тасаввур этишлари зарур».

Назаримизда, партияларнинг бугунги кундаги заиф томонлари айнан ана шунда. Дастурлардаги ўрнатилган, ўз тарафдорлари ўртасида иш олиб боришдаги сусткашлик, кенг халқ оммаси орасига кириб боришдаги муайян

муддатини қисқартиради. Иккинчидан, мамлакатимизда сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг эркин ривожланиши учун тобора кенгроқ шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Бу бордада юртбошимиз — шахсан Ислам Абдуганиевич Қаримовнинг сазай-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Демократизм, бизда сиёсий партияларимизнинг жамиятда муносиб ўринини эгаллашлари учун ҳам ҳуқуқий, ҳам ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлар яратилган. Шу йил охирида ҳокимиятнинг пастдан оқоригача ҳамма тузилмаларига бўлажақ сайловлар партияларимиз учун катта ҳаёт мактаби ва жиддий синов бўлди. Партия етакчиларининг матбуотдаги чиқишлари қараганда, улар бу сайловларга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришарди. Ана шу умумхалқ сайловларида республика парламенти ва ҳокимиятнинг қуйи органларидан қанча ўрин олишлари қараб маъзур партияларнинг нуфузи, жамият сиёсий ҳаётидаги ўрни белгиланади.

Қайси партия халқ оммаси орасига кўпроқ кириб бора олса, ўзи сунган аҳоли қатламлари, ишончини кўпроқ қозона олса — ўша партия сайловларда энг кўп депутатлик мандатига эга бўлади, парламентимиз ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сиёсий йўналишини белгилаш, мамлакатимиздаги ҳуқуқ ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги ҳиссалари шунчалик юксак бўлади.

Уйлашимизки, худди шу жараёнда партияларнинг ўзларидан қуралиши, ғоя ва қарашларининг рақобати юзага келиши ва шаклланиши. Албатта, бу қураш қонунийлик тартиб-қоидалари ва ҳуқуқий меъёрлар асосида олиб борилиши шарт.

Хулоса қилиб айтганда, XXI аср Ўзбекистон демократик тамойилларга сунган кўп партиявийлик сиёсий демократик тўзумга эга бўлган ҳолда кўтиб олмақда.

Ақмал АҚРОМОВ.

Долзарб мавзу

ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТИЯЛАШДА ПАРТИЯЛАР ЎРНИ

«Жамиятни демократиялаш жараёни сиёсий институтлар — партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустахкамлаш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқ».

Ислам ҚАРИМОВ



Пойтахтимиздаги «Сергели» мебель бирлашмаси ҳиссадорлик жамияти мебелсозлари харидорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариб, халқ эҳтиёжини қондиришмоқда. СУРАТДА: мебелсозлар томонидан тайёрланган «Гўзал» ётоқхона термаси.

1999 — Аёллар йили

БУ ЕРДА ҲАМИША БАҲОР

Барчамизга аён бўлганидек йилда тўрт фасл бор. Қунар қунарларга уланди, ойлар ойларга, фасллар эса бир-бирини қувлашиб кетаверди: қиш, баҳор, ёз, куз... Аммо бу ҳикоя қилмоқчи бўлган пойтахтимиздаги «Шарк гули» ҳиссадорлик жамияти эса Ҳамиша баҳор ҳуқуқини оёққа олишмоқда. Чунки ушбу жамоада 700 нафардан ортиқ ишчи-хизматчиларнинг ҳақлари, уларнинг асосий қисmini чевар ва барно хотин-қизлар ташкил этади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларида ҳам доимо баҳорий гўзаллик сайқал топганлигининг гувоҳи бўласиз.

Момоларимиздан қолган чеварлик сирларини халқимизга меҳр-муҳаббат билан етказётган жамоа ахли Аёллар йилида янги маҳсулот турларини яратиш йўлида нимаки изланмоқдалар. Айниқса, қорхонанинг попоп миллий каштачилик ҳамда тивувчилик цехларида яратилаётган маҳсулотлар доимо ўз харидорларини топтоқда.

— Бугунги бозор иқтисодиётининг талабини ҳиссадорлик жамиятининг ҳар бир аъзоси тўғри англаб етмоқда, — дейди қорхона муҳандиси Кимё Қаримова. — Керакли хом ашёларнинг базисларини четдан келтиришимиз, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган биз учун керакли бўлган баъзи матола ва илларнинг сифати талабга ҳар доим ҳам жавоб беравермайди. Сифатли маҳсулот тайёрлаш учун эса талаб даражасидаги хом ашё бўлиши зарур. Бу бордада тадбиркорлик билан ишлаб, хориждан ҳамюртлар топшига интилоқ қилишимиз. Бу бордада Президентимиз Ислам Қаримов хорижий ширеклар билан ҳамкорлик қилмаган қорхонанинг келажиги ҳам бўлмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтганлар. Кейинги йилларда маҳсулотларимизга ички бозорда талаб анча ўсиши, хориждан келган савёулар ҳам уларга алоҳида аҳамият қаратмоқдалар. Утган йили 40 миллион сўмликка яқин маҳсулот тайёрлади. Бу юртмаларнинг таърифи бўлган баҳорнинг янги турларини тайёрлашга эътибор қаратаётганимиз эса самарасини бермоқда.

Наврўз байрами ҳамда 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини муносабат билан ҳам қорхонада янги хуссадаги маҳсулотлар тайёрлашга эришилди. Едгорлик паннолари, Наврўз нафаси уфуриб турган гулқўрпа, чойшаб, зардевор, палак, сўза-

налар ана шулар жумласидандир. Кейинги икки ой ичида жамоада ишлаб чиқариш ҳажми анча ўсиб, Март ойида 3 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот бундан қўрилган бўлибди.

Қорхонада мурабийчилик фаолияти кенг қулоқ ёйган. Қасб сирларини мирдан сиринга билган устоз чеварлар ўз маҳоратларини ёшларга эриямий ўргатиб борадилар. Шу бонс бўлса керак, бу ерга келган, ҳунар эгаллашга ҳақиқий қизиққан ёшлар 1.5-2 ой ўтмасданқ мустақил равишда ишлашга ўтадилар.

Попоп цехида таъхирибил чеварлар билан биргаликда ёш попопчилар ҳам ёна-ён меҳнат қилмоқда, — дейди цех бошлиғи, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳибни Маълума Самиева. — Ахир ҳар бир касбнинг ҳам давомчилари бўлиши керак-ку. Бу бордада кўп йиллик таърибга эга бўлган попопчиларимиз ёш қизларимиздан ёрдан ларини аямийдилар, сафарларимизнинг қўлиб беришига муносиб ўлуш қўшадилар. Сановар Жўраева, Марҳамат Пулатова, Маъсуда Исмоилова, Шоира Зокирова, Шоҳида Юсуповлар доимо изланишда, уларнинг тиклаётган попопларидан ажиб бир жило, меҳр таралади. Чунки бу чеварларимиз ҳар бир тиклаётган гулу кашталарининг ҳусусияти ва номини жуда яқин биладилар. Хуллас, ишга меҳр бўлсақ бўлсагина бошқалар ҳам яратилган маҳсулотга муҳаббат билан қарашди. Қалби доимо баҳор аёлларимиз бунини жуда яқин англайдилар.

1999 — Аёллар йилида хотин-қизларга қўрсатилган ғамхўрликлар, айниқса қиёда бўлиб ўтган биринчи қаҳрик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида қабул қилинган «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қўнун «Шарк гули» чеварларини ҳам руҳлантириб юборгани беҳиз эмас. Бу ҳурмат ва эътиборга жавобан улар тадбиркорлик ва ишбилармонликларини йиғишга олиб Аёллар йилида хотин-қизларимиз, лобар келтириш аил қомат қувларимизга, хонадонимиз бахти, юртимиз келажиги бўлган ҳажми қачоқларимиз учун миллий каштачилик намуналарини мўжассам этган маҳсулотлар тайёрлашга киришдилар. Албатта, аёллар, яъни баҳорларни мўл бу қорхонада тайёрланган миллий кадриятларимиз ўз ақсини топтоган маҳсулотларнинг харидорлари кун сайин кўпайди, ҳамма ахли эса уларни тайёрлаш йўлида сазай-ҳаракатларини аямийдилар.

Шарифа ИЛЕСОВА,
СУРАТДА: попоп цехи бошлиғи Маълума Самиева шогирдлари билан.

Рашид Галиев оғлининг сурати.




Суратли ахборот

АЗИЗ ИНСОНЛАР УЧУН

Хотира ва Қадрлаш кунини арафасида уруш қатнашчилари ва ногиронлар учун «Нуронийлар» госпитали ишга тушибди. Унинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Назрулла Жўраев, Бош вазир ўринбосари Хамидулла Кароматов иштирок этишди. Маросимни Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Рашид Султонов олиб борди.

Пойтахтимизнинг Шумилов шаҳарчасида жойлашган бу маскан авваллари Республика Ички ишлар вазирлигига қарашли эди. Эски бино қайта таъмирланган, у танби бўлмас даражада ўзгарди. Терапия, неврология, физиотерапия бўлимлари, текзор терапия бляки кабилардан иборат госпитал кенг ва шинамдир. Беморхоналар ва дахлизларда янги мебеллар пайдо бўлди. Ҳовлида эса ашилл йўлқалар, гўзал хиёбонлар бунёд этилган.

Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ташаббуси билан бошланган тула таъмирланиш ишига шаҳар ҳокимлиги маблағ ажратди, — дейди госпитал бош шифокори Муқаддас Ризаева. — Ишни бош бошқармаимизга қарашли Қурилиш бошқармаси қисқа муддат — уч ойда тамомлади. Улар уруш иштирокчилари ва ногиронларига яқин туҳфа тайёрлаш учун қўлни кўлга урмай меҳ-



Қурилиш

ХОНАДОНЛАР ҚУВОНЧИ

Собир Раҳимов туманида жойлашган Мухбир кўчасида ўтган йили 300 оиласи бўлган 27 та 4 қаватли гўшти тузар жой бинolari қурилиш бошланган эди. Айни кунларда ушбу қурилиш майдонида бунёдкорлик ишлари қизгин давом этмоқда. Замонавий, шинам пардозланган уйлар кетма-кет фойдаланишга топширилмоқда.

Яқинда фойдаланишга топширилиб, хонадон соҳибларида бир олам қувонч бахш

Тадбиркорлик

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Омбор учун эмас, балки харидор учун ишлаш, маҳсулотнинг сифатли турларини қўлайлигини бунунги бозор иқтисодиёти шароитида фаолият қўрсатаётган кўпалаб қорхоналарнинг асосий иш мезони бўлиб бормоқда. Пойтахтимизда фаолият қўрсатаётган «Виза» ижара қорхонаси жамоаси ҳам бу бордада ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Қорхона меҳнат жамоаси ўз олдида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва бу билан истеъмол бозорини тўлдириб вазиёсини қўйган. Бугунги сазай-ҳаракат ва изланишлар шу асосда ташкил этилган.

— Ушбу кунга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг тури 30 тадан ҳам ошиб кетди, — дейди қорхона раҳбари Валерий Шубодеров. — Улар орасида қундали турмушини таъминлаш зарур бўлган қайнаткичлар, электр чойқак, лавозол, қандил ва бошқалар бор. Утган йили 41 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 3.5 миллион сўм соф фойда олди. Ишчиларимизнинг ўртача ойлик иш ҳақи 10.400 сўмни ташкил этди. Ақционерларимиз мажлиси қарорига кўра фойданинг каттагина қисми қорхонаимизни қайта техник жиёзлашга ишлатилди. Чунки замонавий дастхорлаш сифатли ҳамда рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкинлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Бозор қонуқларини ўрганиб чиққан жамоа мамлакатимиз табиёти ва парфюмуҳим талабини қондирувчи ишчи идишлар ишлаб чиқаришга йўлга қўлди. Чунки бундай турдаги маҳсулотларга талаб ҳозирги пайтда жуда кўри. Ана шундай ишчи идишларини ишлаб чиқаришга мослаштирилган дастхорлар қорхонанинг малакали мутахассислари ва Чкалов номидаги авиация ишлаб чи-

қариш бирлашмаси давлат ҳиссадорлик жамияти конструкторлик бюроси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилиб, цехлари ўрнатилди. Ана шу ускуна яратиш йўлида улар 3 йил изландилар. Хорижда ишлаб чиқарилган бундай ускуна жуда қиммат турди. Тайёр бўлган ушбу техника қорхона жамоасига 3 баравар арзон, яъни 2 миллион сўмга тушди. Бу билан улар ҳам валютани иқтисод қилишга ҳамда янги, зарур маҳсулот турини яратишга муваффақ бўлдилар.

— Айни кунларда қорхонаимиз тула қувват билан ишламоқда, — дейди Валерий Николаевич ўз сўзини давом эттириб. — Бугунгача 51 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб бериш учун шартнома тузди. Мақсадимиз эса йил охиригача 70 миллион сўмлик оғир ва зарур халқ истеъмоли моллари тайёрлаб беришдир. Наҳақат мамлакатимиздан, келгусида хориждан ҳам харидорларни жалб этиш йўлида изланмоқдамиз.

Тадбиркорлик асосида иш юритаётган ушбу меҳнат жамоасида 130 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг барчаси қадрдан жамсапар кўтуларига муносиб ҳисса қўлиш ниятида сазай-ҳаракат қилишмоқда. Хар бир яратилаётган янги маҳсулот турлари сифати ва харидорларнинг ҳим боис шундан бўлса керак, албатта.

Шарофат БАҲРОМОВА.

Хотира

АРМОНЛИ БУНЁ

Яна юртга баҳор келди. Она мана шу етмиш саккизичи баҳорни қалбидан ўза бир соғинч, элқин туйғулар, яқин ниётлар билан қарши олади. У ҳамон лаънати урушдан қайтмаган умр йўдош, таниқли раббон Ҳаким Раҳимовнинг армонли кутмоқда.

Маъсуда ая Абдусаматова Ҳаким ака билан ўтказган гўзал онларни бирма-бир хотирлар билан мана шу кунларга етказганлигига яратганга беминнат шукронлар айтади. Уша йиллари Маъсуда ая Туроб Тула, Раиса Бобожон, Ҳаким Раҳимов билан бирга тахсил олади. Учинчи курсга ўтганларида уларнинг туйларини бўлиб, тўққиз ой ўтгандан кейин эса уруш бошланган Ҳаким ака ҳам ўз тенгқурлари каби урушга жўнади. Дахшатли урушда Ҳаким ака бедарак йўқолади. Уруш йиллари Маъсуда ая севикли ёридан юзлаб соғинч мактубларини олади.

Хатларда у албатта тирик қайтишини қайта-қайта тақорқлади. У шунингдек, мактублари билан сўнги чизган расмларидан ҳам юбориб турар эди. Бу мактублар Маъсуда аяга халқимиз сўнч бўлиб келган ва келмоқда. Ҳаким акадан ёлғиз ёдгор ўғли Абдуқалил қолган. Уни ониси ҳам оталик, ҳам оналик меҳрини бериб, фидойи, мард ўғлон қилиб тарбиялади. Шу билан бирга Маъсуда ая оилада катта фарзанд бўлганлиги туйғули беҳ нарфар уч ва сингилларини ҳам ўқитиб, уйли-жойли қилди.

Унинг умр йўдоши Ҳаким Раҳимов 1919 йили Тошкентнинг Шайхонтоқур даҳасидаги Қорйғди маҳалласида Абдурахим бақоқ оиласида дунёга келди. Унда фақатгина тасвирий санъатга эмас, балки қўлиқ айтиш, тинглай бўлиш, янгликка интилиш ва умуман бутун аъжудид билан санъат одми эканлиги ҳеч қанда шубҳа уйғотмаган.

Унинг шу кунгача бир неча тасвирий санъат асарларини Ўзбекистон санъат музейида сақлаб келаётган. Ҳаким ака дахшати жанг майдонидан чизган суратларини хатта илова қилиб, севикли ёрига юбориб турди. Лекин лбағати уруш Ҳаким акани она юртига соғ-омон қайтармади. У ўша оловли жанг майдонларидан умрбод қолиб кетди. Улар бизнинг сафимизда, диллимизда, жонимизда абадий биргадир.

Очил ҲАЗРАТОВ.

Муносабат

А Л Қ А З А Р

оламдан ўтган, ичкиликбоз ўғилга бир нима дейдиган ака-ўғиллар йўқ эди. Бир-икки оғиз гапирсам, зора йўлга тушиб кетсам, деган халда юрганамда соғ ташини урчиб қолдим. Саломатликдан кейин: — Йили, сенга айтмоқчи бўлган гапим бор эди, — дедим. — Айтгин, ака, — деди. — Топиш-тутишини тузук қуринди, ичкилик хароб қилмасам, деб қўрмаман, — деганимни билмаман.

— Вей, ака, олдин менчалик тур топидан олдин, кейин наҳси қилинг, — деса бўладими? — Пул дегани, айниқса харом пул, одамни шунчалик ҳаволати юбориши мумкин экан.

Хулоса чикаришдан олдин, азизлар, яна бир воқеани тасаввур қилинг.

Қўшингиз эрталаб нонга кетиб, кечга қайтмайди. Етмиш беш яшар қарининг бунчалик қолиб кетганидан ташвишга тушган ўғил-қизлар сунштирмаган жойлари қолмайди, кечга томон маълум бўлса, отахон нон олиб қайтаётганида машина тағида қолиб, қасалхонада беҳуш ётган

Энди, муҳтарам дўстлар, ўзингиз айтинг. Пул деса томан ташлайдиган оқларлардан яқшилик чиқадими? Чикмайди! Асло чикмайди! Ақсинча, пул учун улар отасини, онасини чавақлаб ташладан ҳам, болачақасини, хотинини сотиб юборишдан ҳам, Ватанга хиёнат қилишдан ҳам қайтмайди.

Тўғри, улар ўз-ўзидан бундай йўлга кириб қолмайди. Уларни ишга солиб, бойиш ниятида юрган бадиқдорлар ҳам бўлади. Лекин, нега ёшларимиз бундай бюортмачи бадиқдорлар гапига қиради? Нега шунингиз қорчалонларни рад этмайди? Уйлашимизки, бадиқдорларнинг ваъдасига учиб, разозил йўлга кирганларнинг тойиши воқеасига чармфурш, ноинсоф жарроҳ қисидари харом пул ортидан қунидан, давлат ортиришига ўчликдан бошланган. Ҳамма разилликнинг боши—харомхўрлик!

Шунинг учун фарзандларимизни, набирю аэра-чеварларимизни ҳар қандай харомдан, биринчи галда харом пулдан, харом мол-дунедан ҳазар қилмадик қилиб тарбиялайлик. Қўз-қулоқ бўлиб турайлик. Токи улар ҳалол меҳнат қилиб, эл-юртга хизмат қилсин. Эмон нияти га-ҳазар, харомхўрликдан алҳазар.

Урқин ЖАБОРОВ, пенсияер.

ТАНИШУВ

Ҳажвия

Бошлиқнинг гугурт кутисидек хонасига сиймаган хоҳимлар гулдандан асар қолмаган поёндоз тўшалган йўлакка турнақатор тизилишди.

«Эчки сутини қайта ишлаб сўрайдиган курт тайёрлов» корхонасига янги тайинланган бошлиқ, шимининг орқа чўнтагидан тўрт бутланган уч саҳифалик маърузасини олиб минбарга чиқди.

— Хурматли хонимлар ва жаноблар! Ўртоқлар, дўстлар, биродарлар!

Сизнинг ноёб корхонангиз, янги ишлаш усулига ўтганига тўрт йил тўлган эсада, шу паллага қадр, янги технологияни ўзлаштириб улгурмаган. Бу жиддий ва муҳим стратегик аҳамиятга молик нозик масалалар. Ҳар бир урғочи эчкидан соғиб олинаётган маҳсулот йилдан-йилга камайган. Натيجида курт тайёрлаш режалари урғуланмаган. Коровулдан бошлаб фаршонинг чеварасигача эчки кўртини сўришдан бўшамайди. Ноёб корхонанинг қимматбах маҳсулотларини ноқонуний ўзлаштириш ҳоллари аниқланган. Ходимларимиз ҳалигача эскича ишлаш қўлидан чиқа олмаганлар. Қуртлар ҳамон кўлда думалоқланмоқда.

Шу бугундан бошлаб корхонага мен раҳбар этиб тайинланган эканман, ҳар соҳада «резкий» ўзгариш жорий этишим. Йўлакларда эса лунжини шишириб курт сўриб ўтирувчиларнинг сони кескин камайтиради. Қуртларни ювилмаган қўл билан санашга барҳам берамиз. Янгидан янги галабалар сари олға, жўралар!

Шундан сўнг, корхонанинг кекса ва тажрибали, таъм билувчиси сўз олди:

— Вей, барака топгурлар! Ўғлинг катта бўлгурлар! Эчкиларни соғиб бўлганларингдан кейин, курт думалоқланадиган хонага, қалишларингизни қовиб кирадиган. Энди мана худода шукр, янги бошлиқимизнинг доно, узоқни кўзловчи раҳбарлиги остида мутлақо бошқача ишлайми. Энди, мақураимизни ўстиришимиз керак. Янгича фикрлашимиз керак. Бутун жамоамиз номидан, ўртоқ бошлиқ, сизнинг доно маслаҳатларингизга қулоқ солган ҳолда иш олиб берамиз. Ҳой ўғлинг катта бўлгурлар, огоҳлангирингиз қўяй, кимки икки маҳал, чўнтагини кўртга тўлдириб уйига бориб келадиган бўлса, «штрапп» ёзаман. «Эчки сўти дори бўлади» деб сўт ўғирлашни бас қилинглар. Яшасин, янги раҳбаримиз!

Давомли ва гулдурос қарсақлар янгради...

Орадан тўққиз ой ўтди.

Корхонага янги бошлиқ тайинланди.

Бошлиқнинг гугурт кутисидек хонасига сиймаганлар, поёндози қайқадир қўйиб бўлган йўлакка турнақатор тизилишди.

— Ассалому алайкум, дўстлар!

У шундай деб кўстимининг чўнтагидан тўрт бутланган уч саҳифалик маърузасини олиб стол устига қўйди. Минбар ҳам қўйиб бўлган эди.

— Мен сизларга айтсам, корхоналарингиз борган сайн кетига қараб кетутти. Илгор технология шу дақиққа қадр, ишга тушмаган. Чет эллик сармоядорлар жалб қилинмаган. Одамлар өзига оладиган қуртларни ҳал-ҳалига қадр, шиттир ҳиди аниқиб турган кўлларида думалоқлашар экан. Ҳар битта хайвондан соғиб олинадиган оқлуклар кундан-кунга озайиб бормоқда. Бундай қараб турсам курт ўғирлари борган сайн кўпаймоқда. Товба қилдим, кап-катта дидом тенги одамлар, уйламай-нетмай эрта-ю кеч лунжларини тўлдириб курт шимиб юришар экан. Энди мен сизларга айтсам, бундай расвогарчиликка мутлақо барҳам берамиз. Ҳар бир курт думалоқлайдиган ходимнинг ёнбошига сатилларда сув қўямиз. Тез-тез бармоқларини чайиб турошим. Носвой тўфлаш учун ҳам бир сатил зарур экан. Ҳой ўғирлайлар, бошлиқ гапирганда халп туринглар. Тузуқми?!

Шундан сўнг тажрибали ва кекса, тайёр маҳсулотларни татиб кўрувчи ходим сўз олди.

— Ҳой, барака топгурлар! Эчкилар соғиладиган хонадан курт думалоқлайдиган хонага ўтишда қалишларингизни ювиб ўтинглар. Ўғлинг катта бўлгурлар, энди янги бошлиқимиз керак. Янгича фикрлашимиз керак. Мафурларингизни ўзгартинглар деб, бир ҳафтадан бери хаврайман. Мана, янги бошлиқимизнинг доно раҳбарлиги остида, енг шимариб ишлайлик. Илоҳим, бошлиқимизнинг умри узун бўлсин. Емон кўзлардан асрасин.

Давомли ва гулдурос қарсақлар...

Орадан саккиз ой ўтди.

Корхонага янги тайинланган бошлиқ билан танишув маросими ҳовлидаги кўксултон дароҳи тағида бўлди. Сабаби бошлиқ хонасиданги стол-стулар қайқадир қўйиб бўлган эди.

— Хурматли акамуллолар! Шундайчалик ҳам расвогарчилик бўлами? Шундайчалик лоқайдлик бўлами? Эчкиларнинг сутларидан йиғиштириб олинаётган ҳосилнинг кўри борган сайн камайиб қуртлар майдалашиб кетаяпти. Янги технология ховли рўқсиде қор-ёғиннинг остига нисиде расво-ю раддибало бўлиб ётипти. Одамлар ва бачаларнинг лунжи курт сўришдан чарчамайди. Иш ҳақи ўрнига икки халтадан курт берилган. Боз устига ҳиссадорлар ўрнига киссадорлар бисёр бўлган. Энди ҳаммасига барҳам берамиз. Келажакка катта ишонч билан енгларни, пешбандни кўтариб шадхам қадамлар билан берамиз. Янги зафарлар сари олға, биродари азизлар!

Кекса ва тажрибали таъм билувчи сўз олди.

— Хо, ўғлинг катта бўлгурлар! Бу нима деган гап. Эчкихонадан куртхонага қалишларингизни ювмасдан киряписизлар. Қуртларни иштонбоққа кистириб кетишни тўхтатинглар. Янги бошлиқ атрофида жиғлашайлик. Доно бошлиқнинг доно маслаҳатларига амал қилиб тез кўнларда мафуримизни ошириб ишлайлик.

Давомли ва гулдурос қарсақлар...

Орадан ўн ой ўтди.

Янги бошлиқ билан танишув маросими эчкилар соғиладиган молхонада бўлди. Ҳовлидаги кўксултон кесилиб кетган. Ташқарида ёмғир. Аввалига бошлиқ олти саҳифалик маъруза ўқиди. Давомли ва гулдурос қарсақлардан, эчкилар хуркиб кетишди. Ундан кейин кекса ва тажрибали таъм билувчи сўз олиб янги бошлиқни олқиллади, унинг доно ва узоқни кўрувчи режаларини урғулашда ҳамжиҳатликка чақирди. Давомли ва гулдурос қарсақлар янгради. Хатто кичир эчкилар ҳам маъраб юборишди.

Яна саккиз ойдан кейин янги бошлиқ билан танишув маросими бўлиб ўтди...

Жўра МАХМУД.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!!! ХОРИЖИЙ ФИРМАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ!!! ХОРИЖИЙ КОМПАНИЯЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИ!!!



Тошкентнинг қоқ марказида, Сайилгоҳ кўчасида замонавий Пойтахт савдо мажмуаси нинг қурилиши тугалланмоқда. Савдо мажмуаси 3 қаватли биносининг умумий майдони 30 минг кв. метрдан ортқ, 500 автомобилга мўлжалланган ер ости тўхташ жойига ҳам эга.

Сиз ноёб имкониятга эга бўла olasiz

Ҳозирги вақтда мажмулаи пардозлани ишлари олиб бормоқда, бу эса Сизга кўрага олинган хоналарни ўз хоҳишларига қараб пардозлани ва безашда қатнашни имкониятини беради.

Тошкент шаҳридаги энг нуфузли мавзенинг марказида «Пойтахт савдо мажмуаси» биносиде исталган ҳаждаги хонани ижарага олишингиз мумкин.

Ижарага олинган хоналарга савдо ва хизмат кўрсатиш турлари чекланмаган, сиз қўйидагиларни тошқин этишангиз мумкин:

- турли товарларни (оziк-савқат маҳсулотлари, савоат моллари, уя-рузор моллари, сантехника, мебел, тулар, эсдалик буюмлари, заргарлик буюмлари ва ҳоказолар) сотиш учун савдо заллари;
- ақолига кўрсатиладиган хизматлар (ўзалик салонлари, сурачкўнар, кимёвий тазалаш, саргароҳкўнар, турли техникани тўзатиш ва уларга хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.);
- тиббий хизматлар, докторкўнар;
- ўйин автоматлари, видео, компьютер заллари, бильярдкўнар;
- барлар, қаҳвахоналар, рестороанлар;
- дискотекалар ва турли шоулар, артмарказлар;
- ижарага бериш (тўй либослари, техника ва ҳ.к.).

Маълумотлар учун тел.: 1337917

Савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш департаменти



ВЕТЕРАНЛАР ГУЗАРГА ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

Пойтахтимиз йилдан-йилга обод ва кўркем бўлиб бормоқда. Бу ерда қўлаб турар жой бинолари, маданий-маиший объектлар қад қўтармоқда. Янгидан-янги яшил зоналар барпо этилиб, осмонўпар фаворалар ишга тушириляпти.

Хотира ва Кадрлаш кунини нишонлаш арафасида Шайхонтоҳур туман худудида «Истиклол» гузарини очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу гузар Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Ўзбексавдо» акционерлик жамияти ташаббуси билан қисқа муддатда 9 ойда қуриб битказилди. Уч қаватдан иборат бўлган бу мажмуа замонавий анжомлар билан жиҳозланиб, унда ташир буюрувчилар учун барча қўлайликлар яратилган. Айниқса, тантанали тадбирларни ўтказишга мўлжалланган катта-кичик заллар киши диққатини ўзига тортади.

«Ўзбексавдо» қурувчилари объектни тиклашда ҳозирги замон технологияси ва материалларидан фойдаланишди. Яқин орада ушбу мажмуага яқин ерда болалар шаҳарчаси бунёд этиш ҳам кўзда тутилган.

Гузарнинг тантанали очилиш маросимига пойтахтимизнинг барча туманларидан 600 дан ортқ уруш ва меҳнат ветеранлари, маҳалла фаоллари, оқсоқоллари таклиф этилдилар. Улар байрам дастурхони атрофида қизгин суҳбат қуриб, машҳур кўшиқчи, шоир ва музикачиларнинг чиқишларини тинглаб томоша қилишди.

Республикамиз ветеранларига бежиз катта аҳамият берилмаётгани йўқ. Чунки уларнинг чекига оғир синов даври тушди. Улар бу дамларни сабр-қаноат билан енгиб, тинчликни барқарор сақлашга, келгуси авлоднинг мустақил яшашига муносиб ҳисса қўшдилар.

Гузарнинг очилиш маросимида республикамиз қиёфаси қайта ўзгариши ташаббускори — Президентимиз Ислам Каримов адресига сямимий ва дил сўзлари янгради. Ўртбошимиз кам таъминланган ва қаровсиз оилаларга, қарияларга мўтаазам ғамхўрлик кўрсатаётганлиги қайта-қайта таъкидланди.

Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаганов, турли уюшма ва ташкилотлар раҳбарлари, ўз-ўзини бошқарувчи маҳаллий органларнинг вакиллари йиғилганларни муборакбод этишди.

Маҳмуд ОРИПОВ.



Рустам Шарипов олган сураглар.

СУРАТЛАРДА: «Истиклол» гузарини очилишидан лав-халар акс этирилган.

Таълим ИҚТИДОР ОИЛАЛАР САРАЛАНДИ

Мақтаб ўқувчиларининг фанлар бўйича ўтказилган олимпиадаси республика босқичи ўзига хос синов бўлиб, у барчанинг эътиборида бўлади. Айниқса, 1999 йилда мақтаб бешинчи рейтингини илгариларига нисбатан анча кўтариш мумкин.

Барча фанлар бўйича ниҳоятда қизгин тусда ўтган беллашувда шахримиз мақтабларидан ҳам бир қатор иқтидорли ўқувчилар иштирок этишди. Хусусан, информатика фани бўйича Шайхонтоҳур туманидаги 40-мақтаб-гимназия ўқувчиси Нодир Ҳакимов ўз истеъдоди, ақл, заковати билан барча мураббию қатнашчиларни ҳайратга солди.

У мақтаб фан сирларини мукаммал эгаллаганини билиб беллашувда энг юқори — 95 балл тўлаб, тенгқурларини ортда қолдирди. Буларнинг барчаси албатта бетиним изланиш, иштирокчи самарасидир.

Юқорида номи зикр этиб ўтилган 40-мақтаб-гимназия ўқувчилари нафақат бу йилги, балки ўтган йилда ҳам ўтказилган фан олимпиадаларида ҳам айнан мана шу информатика фани бўйича совринли биринчи ўринни эгаллаб келадилар. Албатта уларнинг бир неча йиллардан буён фахрли ўринни эгаллаб келишлари бежиз эмас, сабаби фандан ўз касбининг фидойиси, информатика ва математика фани олий тоғали ўқишчиси, педагогика фанлари номзоди Турғун Азларов дарсдан бўш пайтларда ҳам иқтидорли болалар билан мўтаазам шугулланиб боради. Бу эса юқорида қайд этиб ўтганимиздек, ҳар йили ўзининг ижобий, дилларга кўнги олиб келувчи самарасини бераётди.

Шунингдек, Юнусобод туманидаги 51-мақтаб ўқувчиси Елена Ковалёва (Француз тили), 309-лицей ўқувчиси Дилноза Юнусова сингаги ўқувчилар ҳам олимпиадада муваффақиятли иштирок этишди. Ушундан айтадиган фан йўналишлари бўйича олимпиаданинг республика босқичида жами 246 нафар ўқувчи қатнашган бўлса, Тошкент шаҳри ўқувчиларидан тўққиз нафари энг юқори рейтингга эга бўлишиб, биринчи совринли ўринларни эгалладилар.

Икки кўн давом этган фанлар олимпиадасида шахримиз ўқувчилари жуда тиришқоқлик билан қатнашди. — деди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев. — Буни биз уларнинг тўплаган балларидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Ҳар бир қатнашчи олимпиадада таъбир билан кўришган ўзига хос усулларини топишга ҳаракат қилган. Бу иланишларнинг барчаси эса олимпиаданинг нуфузини янада оширди, деб бемалол айтишимиз мумкин. Адолат тамойилларига амал қилинган ҳолда ўтказилган синовлар барча иштирокчилар дилини равшан этди.

Олимпиадада ғолиб деб топилган барча ўқувчилар янги ўқув йилидан олий ўқув юртига имтиҳонларсиз қабул қилиниб, ўзлари танлаган фан йўналишлари бўйича ўқишни давом эттирадилар.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

ҚУРИЛИШ ВА ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ТЕХНОЛОГИЯЛАР, МЕХАНИЗМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ВА ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ КОРХОНАЛАР, ЛОЙИҲА ИНСТИТУТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкентда биринчи марта 17-21 май кунлари Ўзбекистон Рассомлар академиясининг марказий кўргазмалар залида «Пойтахтнинг қурилиш индустрияси» деб номланган ярмарка-кўргазма ўтказилмоқда. Кўргазма-ярмаркада қатнашиш орқали Сиз ўз маҳсулотларингизни реклама қилишингиз, буюртмачи ва шериклар топишингиз, шартномалар имзолашингиз, ривожланиш истиқболларини белгилаб олишингиз мумкин.

Энг яхши қурилиш корхоналари қаторидан ўрин олишдек имкониятни бой берманг. Қатнашиш учун талабномалар 1999 йил 10 майга қадр қуйидаги манзил: 700015, Госпиталь даҳаси, 12-а уйда қабул қилинади. Телефонлар: 54-68-42, 55-56-33, 133-27-07, 54-04-87. Тошкент Халқаро бизнес маркази. Кўргазма ташкилотчилари — Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси.

**ОЛДИНГИЗДА ИШГА
ЖОЙЛАШИШ МУАММОСИ
ТУРИБДИМИ?**

Тoshkent

Марҳамат, ёрдам беришимиз мумкин. Акмал Икромов тумани меҳнат органи томонидан 14 май соат 9.00 дан 15.00 гача бўш иш жойлари ва вакант лавозимлар очқ ЯРМАРКАСИ ўтказилади

Сиз бу ярмаркада иштирок этсангиз шахримиздаги истаган корхона, ташкилотлардаги мавжуд бўш иш ўринлари ва вакант лавозимларнинг эгаси бўлишингиз мумкин. Ярмарка Фарҳод бозори қаршисидаги автомобиллар тўхташ жойида бўлиб ўтади. Транспортлар: автобус — 8, 20, 116, 125. Трамвай — 9, 17. «Фарҳод бозори» бекати.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, ташқари ҳар кун соат 9.00 дан хусусий эълонлар ва хусусий бизнес 17.30 гача қабул қилинади. бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритилади. Эълонлар шанба ва якшанбадан

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБЕУТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Тошкент шаҳар, Со- бир Раҳимов туманидаги 22-мақтаб жамоаси, мактабнинг биология ўқитувчиси Абдуманноп Гофуровга турмуш ўртоғи Нафиса ГОФУРОВАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
концерни босмахонаси.**
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.